Тадбир

# ЎЛИМ ЖАЗОСИ

## уни бекор қилишга тайёрмизми?

Тошкентда «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Фридрих Эберт номидаги жамғарма томонидан ташкил этилди.

Хабарингиз бор, 2005 йилнинг 1 августида давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганди. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари тарихида муҳим воқеа бўлган ушбу ҳужжатда ўлим жазосини умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштириш ва 2008 йилнинг 1 январидан ушбу жазо турини бекор қилиш белгилаб берилганди. Табиийки, жиноий қонунчиликни либераллаштириш йўлидаги ушбу жиддий мақсадни рўёбга чиқариш учун ўзига хос тайёргарлик талаб этилади. Бунинг учун аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш, юртдошларимизга ўлим жазосини бекор қилиш заруратини тушунтириш зарур.

Депутатлар, сенаторлар, етакчи ҳуқуқшунос олимлар, сиёсатшунослар ва журналистлар иштирокида ўтган давра суҳбати ана шу мақсадда уюштирилди.

Тадбирда сўз олган Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М. Ражапова, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ раҳбари А. Саидов, «Ижтимоий фикр» маркази директори Р. Убайдуллаева, Фридрих Эберт жамғармасининг Марказий Осиё ваколатхонаси раҳбари Р. Крумм ўлим жазосини бекор қилиш демократик жамият қуриш жараёнида муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Анжуманда Германия Бундестаги депутати Г. Дойблер-Гмелин хоним ҳам маъруза билан иштирок этди. Федератив Республика парламентида 40 йилдан буён фаолият юритиб келаётган ҳуқуқшунос ўз чиқишида ўлим жазосини бекор қилиш борасида Германия ва бошқа Европа мамлакатларининг тажрибаси хусусида сўзлади.

Тадбирда, шунингдек, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан аҳолининг ўлим жазосига муносабати борасида ўтказилган социологик сўров якунлари ҳам эълон қилинди. Сўров натижалари таҳлили юртимизда ўлим жазоси тарафдорлари камайиб бораётганини кўрсатмоқда. Агар 1999 йили юртдошларимизнинг 76,9 фоизи ушбу жазо турини ёқлаган бўлса, жорий йилга келиб, ўлим жазоси тарафдорлари кўрсаткичи 43,3 фоизга тушди. Бу эса ўлим жазосини бекор қилиш кераклигини юртдошларимиз тобора чуқурроқ англаб етаётганларидан дарак беради.

**С. КАМОЛ**

Аҳвол

***Ёзнинг жазирама иссиқ кунлари бошланди дегунча чанқовбосди ичимликларга бўлган талаб кескин ошиб кетади. Бунга чанқовбосди ичимликларнинг ноанъанавий рекламаларининг ўзи етарли.***

***Яхна ичимликларга бўлган талаб кескин ортган бир пайтда, уларнинг сифати истеъмолга яроқлими деган савол туғилиши табиий... Менимча аксарият ҳолларда йўқ. Бунга сабаб, биз ва "СЭС"чиларнинг бефарқлигимизда.***

# ЧАНҚОВИНГИЗ БОСИЛДИМИ?

## ёхуд ювуқсиз стаканлар, сувсиз жўмраклар...

Кўча-кўйда, бозорларда, ўқув даргоҳларида, умуман, гавжум жойларда "муздаккина газли сув", "морс, муздаккина морслар бор" каби ҳар хил чорлов рекламаларини кўп эшитамиз ва кўпчилигимиз дарҳол бу чорлов эшитувчисидан харидорига айланамиз. Тўғри, иссиқ, жазирамада муздеккина сув жоннинг роҳати, лекин сифати-чи, сифати?..

Аксарият "газли сув" ва "морс" ичимликлари шохобчаларининг фаолиятини кузатсангиз, савдо олиб борилаётган жойлар шу даражада ифлоски, асти қўяверасиз. Пашша ва чивинга бойлигини гапирмаса ҳам бўлади. Бу шохобчалар ўрнашган жойни қарасангиз, бирор бир ичимлик суви жўмрагини топмайсиз. У ҳолда стакан ювиш учун сувни қаёкдан олишаяпти бу шаввозлар, ҳайронсиз. Стакан ювиш мосламаси ҳам яхши ишламайди. Станканни ювишини қаранг, шундоққина сувга бир марта чайиб олишади-да, сотишаверади. Автоматларда эса стакан ювиш учун пуркалиб турадиган сув аранг ярмига етади.



Демак, стаканнинг таги ювиқсиз қолади. Буни сотувчига айтсанг, балога қоласан, нимамиш "Ҳаммага шундай қуйиб бераман, ичмасанг, бошимни оғритма..." Стаканларни яхшилаб кузатсанг, ёпишқоқ, кир, қандайдир ачиган ҳид келиб туради, кўпчилигида эса аёлларнинг лаб бўёқларининг излари. Яна аксарият "газли сув" ва "морс" шохобчаларидаги савдони 10-14 ёшдаги болалар олиб боришади. Наҳот, кимдир бу болаларнинг санитария ва гигиенани билишларига кафолот бера олса?..

Қолаверса, кўпчилигида фаолият учун махсус лицензиялари ҳам йўқ. Наҳотки, лицензиясиз ва 10-15 ёшли санитария ва гигиенадан мутлақо хабарсиз ёш сотувчиларга эпидемия назорати ходимларининг ёки ўзимизнинг кўзимиз тушмаган бўлса?.. Бефарқлик ҳам эви билан-да, ҳурматли юртдошлар!..

Биз СЭС ходимларидан илтимос қилардикки, сал маъсулиятлироқ ва эътиборлироқ бўлишса, халқнинг соғлиги тўғрисида қайғурган ва ҳар хил юқумли касалликлар, болалар касалликларини олдини олишган бўлар эди. Зеро, бу "маҳсулот"нинг асосий харидори фарзандларимиздир, фарзандларни асраш ҳар бирimизнинг бурчимиздир!

**Дилшод СИДДИҚОВ**

Мутолаа

***Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Яраш Нуруллаевнинг "Тарбия сабоқлари" китобини тўғриси қандайдир ҳадик билан қўлга олдим. Кўнглимдан тарбия хусусида мутахассис ёзгани яхши эмасмиди, деган ўй кечди. Ҳадиксирашнинг яна бир сабаби тарбия хусусида бизда кўп ва хўб ёзилганидир. "Тарбия сабоқлари"ни варақлар эканман, кўнглимдан кечган ўй-хаёллар секин-секин тумандай тарқала бошлади. Ҳадик ўрнини китобга бўлган қизиқиш, кўп йиллик ҳаётий тажриба натижасида яратилиган сабоқлар билан баҳрамандлик туйғуси эгаллай бошлади.***

# МИЛЛИЙ ТАРБИЯ САБОҚЛАРИ

Яраш Нуруллаев ўз китобида халқимизни ўйлантириб келаётган ва бевосита маънавиятимиз билан боғлиқ бўлган қатор масалаларни қаламга олади. Жуда кўп ўринларда олим ўзи кўндаланг қўйган масалаларнинг туб моҳиятини, негизини тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Китобнинг "Саломлашиш — одоб ибтидоси", "Англаш, ақл, ахлоқ ва одоб ҳикмати", "Тарбия — инсон баркамоллигининг омили" сингари бобларида шундай ҳолатни кўриш мумкин.

Олим маънавиятимизга дахлдор қайси бир масала ҳақида сўз юритмасин, аввало, ўзининг ҳаётий тажрибасига суянгани яққол кўринади. Одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, севги-муҳаббат, оила ва никоҳ, меҳмоннавозлик сингари масалалар хусусида сўз кетганда муаллиф доноларнинг пурҳикмат фикрларига, машҳур шахсларнинг дурдоналарига, ҳадисларга мурожаат қилади. Ёшларни улардан ибрат олишга чорлайди.

Халқимизда "Одобнинг боши салом" деган гап бор. Муаллиф ҳам китобни саломлашиш одоби ҳақидаги фикрлардан бошлайди. Олим туркона саломлашиш билан оврупоча одатларни қиёслар экан, баъзан ўзбек ўғил-қизлари оврупача саломлашишга кўр-кўрона эргашаётганидан ҳақли равишда ранжийди. Уларга қарата: "Салом бериш ва алик олишда доимо эшитиладиган қилиб талаффуз этиш лозим. Кўришганда эса доимо узатилган ўнг қўлни ўрта меъёрда сиқиб, чап қўлни кўкракка қўйиб, бир оз бошни эгиб (лекин букмасдан), очиқ юз билан самимий саломлашиш керак. Ёшлар ўзларидан катталар билан икки қўллаб, бироз бошни эгиб кўришишлари мақсадга мувофиқдир. Одамларнинг мансабига, бойлигига қараб эмас, балки ёшига кўра эҳтиром билан кўришиш зарур", — дея куйиниб ёзади. Яраш Нуруллаев кўпни кўрган киши сифатида тенгдошлар учрашганда қандай саломлашиш кераклигини, ҳар хил ёшдагилар учрашганда эса нима қилиш кераклигини синчковлик билан ёзади. Бундан ташқари, тўй-томошада, мажлисда, ўқув масканларида саломлашиш одоби қандайлигини баён этади.

Эркак кишининг аёллар билан ёки аёл кишининг эркаклар билан саломлашиш одоби хусусида ҳам сўз юритади.

Китобнинг ушбу биринчи боби йигит-қизларгагина эмас, балки катта ёшдаги шахсларга ҳам шарқона саломлашиш одобидан сабоқ олишлари ва уни амалиётда қўллашлари учун асқотади.

"Тарбия сабоқлари"нинг катта қисми таълим-тарбия билан боғлиқ қатор ахлоқий-фалсафий тушунча ва атамаларга бағишланган. Жумладан, англаш (сезиш), ақл, ахлоқ, одоб, орзу (умид), мақсад, яхшилик, хулқ, тарбия, таълим, билим, кўникма, малака, меҳнат, касб-ҳунар сингари тушунчаларнинг моҳияти (маъноси) кенг изоҳлангандан сўнг, уларнинг турлари, шакллари ҳақида сўз юритилади. Масалан, муаллиф ахлоқ ҳақида сўз юритар экан, ушбу категорияни: "... жамият, оила ва ҳаётнинг барча соҳаларида кишиларнинг хулқ-атворларини, хатти-ҳаракатларини ва қиладиган юмушларини тартибга солиб турадиган қоидалар ва хулқ меъёрларининг йиғиндиси" сифатида изоҳлайди. Шундан сўнг, ахлоқий поклик, ахлоқий норма, ахлоқий баҳолаш сингари тушунчалар кенг шарҳланади ва олим ахлоқни уч турга ажратади: а) умуминсоний ахлоқ, б) миллий ахлоқ, в) шахснинг ўзига хос ахлоқи.

Кўринадики, "Тарбия сабоқлари"да кўплаб ахлоқий тушунча ва категориялари илмий асосда изоҳланади. Бу эса асарнинг таълим масканлари ўқувчи-талабалари учун қўлланма вазифасини ўташи мумкинлигини, шундай талабга жавоб бера олишлигини кўрсатади.

Оила ва никоҳ, эр ва хотиннинг бурчи ҳамда масъулияти ҳозирги кунда таълимий-тарбиявий ишимизнинг энг муҳим масалалари қаторига киради. "Тарбия сабоқлари" китобининг "Ҳурмат-иззат, меҳр ва вафо", "Иффат, ҳаё ва номус — инсон кўрки", "Ишқ ва ошиқлик", "Севги ва муҳаббат — ҳаёт мазмуни", "Унаштириш ва никоҳ", "Оила — бахтиёрлик маскани", "Эр-хотин вазифалари ва улар ўртасидаги муносабатлар" каби қатор боблар ана шу масалаларга бағишланган. Ушбу бобларда ҳам муаллиф асосий тушунча ва категорияларни чуқур изоҳлайди. Бу категориялар билан боғлиқ масалалар ҳақида ҳам сўз юритади.

"Иффат, ҳаё ва номус — инсон кўрки" бобида: "Иффат-хушхулқ, пок виждонли, ор-номусли бўлиш, вужуди ваа кийимини ораста тутиш ва муомала иффати, хатти-ҳаракат иффати, кийиниш ва тозалик иффати сингари турлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтади.

Ёшларга ахлоқий тарбия беришда зарарли иллатлардан сақланиш, уларга нисбатан нафрат туйғуларини шакллантириш муҳим ўрин тутади. Яраш Нуруллаевнинг китобида ҳам ахлоққа зид бўлган тушунча ва категориялар ўрни билан изоҳланади. Ёшларнинг улардан сақланиши, бундай иллатларга қарши кураша олишга тайёр шахс қилиб тарбиялаш учун ибратли хулосалар чиқарилган.

Бутун дунё халқларини ўйлантириб келаётган муаммолардан бири аср вабоси — ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши кураш масаласидир. "Тарбия сабоқлари"нинг, "Ичкиликбозлик, тамаки чекиш ва гиёҳвандлик — инсон бахтининг душмани" бобида ана шу хусусда сўз юритилади. Олим ушбу иллатларнинг туб моҳияти, унга гирифтор бўлишнинг сабаблари ҳамда оқибатлари, қутилиш йўллари ҳақида фикр юритади. "Энг асосий вазифа эса гиёҳвандликнинг олдини олиш масаласидир", — деб ёзади олим.

— Бунинг учун ота-оналар, муаллимлар ва мураббийлар ёшларга гиёҳвандликнинг инсон ҳаётига ҳалокатли таъсирини тушунтириб бериши зарур".

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, "Тарбия сабоқлари" ёшлар тарбияси, таълими, маънавияти учун зарур қўлланмалардан биридир. Китобнинг амалий қиммати катта. Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, институт ва университетларнинг талаба ёшлари ўқиётган маънавий сабоқлари учун қўшимча восита сифатида фойдаланиш мумкин.

**Эшпўлат ЖАББОРОВ,**
**Қарши давлат университети доценти, филология фанлари номзоди**

«Дўстга садоқат»




Абдурасул ҲАКИМОВ чизган

# ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Масалан миллий тикланишда унинг оптимистик йўналишни мустаҳкамлашда таълим ва маориф муҳим роль ўйнайди. Айнан улар миллатнинг маънавий жиҳатдан тозаланишига, сохта ғоялардан қутулишига ёрдам бериши, номус, меҳр-шафқат, ҳақиқат, донишмандлик каби тушунчаларнинг шаклланишига ёрдам беради. Мориф ва тарбия халқни таҳқирловчи барча нарсаларини инкор этиб, ёруғ, олийжаноб мақсадларга етаклайди.

У ёки бу миллатнинг ақлий салоҳиятини баҳолашда урф бўлган усуллар қўлланилади. Баъзи олимлар, кўпинча журналистлар миллатнинг ақлий салоҳиятини белгилашда минг кишига нечта фан доктори ва номзоди тўғри келишига қараб белгилайди. Статистика учун бу рақамлар керак бўлса-да, улар ақлий салоҳиятни ифодаламайди. Имл-фан фойдалилигининг кўрсаткичи мустақил Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг ҳар жиҳатдан такомиллаштиришга хизмат қилиши билан баҳоланади. Миллатнинг даражаси одатда унинг намояндалари иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиётда қандай амалий натижаларга эришганлигига қараб белгиланади.

Миллий ўзликни англаш, миллат вакилларининг аниқ хатти-ҳаракатларида оптимистик ёки пессимистик хусусият касб этади. Аниқ хатти-ҳаракатларга қараб, миллий онгда индивидуал ва умумий хусусиятлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг қай даражада бирлашиб кетганлиги кузатилади. Бу нафақат алоҳида инсонга хос хусусият, балки бутун бир халқлар, миллатларга ҳам хосдир. Бунда у ёки бу миллатга қандай хатти-ҳаракатлар кўпроқ мос эканлиги кўзда тутилади.

Агар миллий ўзига хосликда умуминсоний, инсонпарварлик хусусиятлари аниқ намоён бўлса, улар худбинлик ва манфаатпарастликни сиқиб чиқаради.

Миллий ўзига хослик — бу умуминсонийликка, халққа дахлдор одамнинг онгидир. Умумийлик унга хос хусусият бўлиб, бошқа миллатлардан фарқланишини тақозо этмайди. Бу хусусиятлар миллатлараро муносабатларда намоён бўлади. Эркин халқларни маънавий ҳаётининг яхлитлиги — объектив қонуният бўлиб, миллий ўзликнинг илмий савияси ўсишида, унда умуминсоний ахлоқий қадриятлар ва ижтимоий идеалларнинг қарор топишида намоён бўлади.

Ҳозир жаҳонда бир миллат номи билан аталувчи, лекин турфа хил миллат, элат ва этник гуруҳлар вакилларидан иборат аҳолига эга бўлган давлатлар жуда кўплаб топилади. Шулар жумласига аҳолиси, 130 дан ошиқ миллат вакилларидан ташкил топган Ўзбекистон ҳам киради. Табиийки, кўп миллатли давлатнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий, маданий турмуш тарзи, тараққиётида ҳам ўзига хослик мавжуд.

Турли хил миллат ва маданият, миллат ва маънавият — булар уйғун тушунчалардир. Маънавиятсиз миллат бўлмайди. Буни ҳар бир киши ҳис қилиши лозим. Энг муҳими, бу борада Ўзбекистон фуқароларида тўла имкониятлар бор.

Ҳозирги кунда Республика Миллий-маданий маркази атрофида 138 та — арман, татар, тожик, корейс, озарбайжон, бошқирд, туркман, немис, украин, турк, грек, болгар каби миллий-маданий марказлар фаолияти мувофиқлаштирилган. Улар мустақилликнинг дастлабки даври, 1992 йил 13 январда ташкил этилган Республика Байналминал маданият маркази билан ҳамкорликда иш олиб борадилар ва ўз низомлари, дастурлари ҳамда иш режаларига эгадирлар. Марказ фаолияти халқ урф-одатлари ва анъаналари, маросимларини тиклаш, уларни Ўзбекистонда яшовчи халқлар ўртасида тарғиб этишга қаратилган. Шунингдек, бу марказларда ўзбек халқи маданияти, санъати, тили ҳам тарғиб этиладики, бу халқларни яқинлаштиришга, миллатлараро муносабатларни яхшилашга хизмат қилади. Республика Байналминал марказ қошида ташкил этилган миллатлараро "Наврўз" театри ҳам бунга ёрдам беради. Унинг саҳнаси турли театр мактаблари ва йўналишларини образли кўрсатиш имконини беради, миллатлараро муносабатлар маданияти, сиёсий маданиятни юксалтиришга ёрдам беради. Бу эса жамиятда барча миллат вакиллари ўртасидаги ижтимоий оптимизм даражасини ва Ўзбекистон келажагига бўлган ҳар бир фуқаронинг ишончини янада оширади.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида мустақил диёримиз иқтисодий-сиёсий барқарорликка эришаётганлигида ўз навбатида маънавий янгиланишнинг ҳам ўрни борлиги табиий ҳолдир. Негаки, ҳар қандай жамиятнинг ўз миллий-маънавий қиёфаси бўлмас экан, у жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлолмайди.

Миллий маданиятнинг равнақи ва умумдавлат маданияти даражасига кўтарилишининг омилларидан бири — кишиларда, биринчи навбатда, Ватанга бўлган фидойиликни тарбиялаш ва уни бойитиш, мустаҳкамлашдан иборат. Ватанга фидойилик шу заминда яшовчи, шу тупроқда туғилиб вояга етган барча учун, у қайси миллатга мансублигидан қатъи назар баробардир. Киши қайси соҳада, қай кўламда Ватанга ўз фидойилигини намоён қилиши, Ватан ижтимоий тараққиётига қай даражада ҳисса қўшиши кўп жиҳатдан унинг қобилияти, кўникмаси, мафкураси, дунёқараши ва билиму малакаси билан бевосита боғлиқ.

Бу борада барча миллатларда, айниқса, туб бўлмаган миллат вакилларида, уларнинг миллатидан қатъи назар, ёшларда ватанпарварлик ҳиссини кучайтирувчи тарбия усулларидан фойдаланиш яхши самара беради. Масалан кўп миллатли иш муассасаларида Ватанимиз тарихи, урф-одатлари, анъаналари, имкониятлари ва келажагини акс эттирувчи ҳамда тараннум этувчи тадбирларни ўтказиш ижобий самара бериши табиий. Энг асосийси Ўзбекистон Конституцияси билан кафолатланган ва амалдаги мавжуд ҳақ-ҳуқуқлар: ҳар бир миллат кишиси ўзи қилаётган меҳнатининг самараси, бахтли келажагига ишонч, оиласида ҳукм сураётган хотиржамлик, бўш вақтини турмуш ташвишларидан холи ўтказиш, маънавий ва маданий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш имкониятларининг мавжудлиги Ватанга меҳр-муҳаббатни янада оширади.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Шу тупроқда туғилиб, шу юртга меҳнати сингган ҳар бир инсон — агар у бизнинг Ватанимизни худди биз каби муқаддас билса — Ўзбекистон фуқароси деб саналишга лойиқ"дир. Шу тамойилга амал қилишнинг ҳаётий натижасини ҳаётда кўриб турибмиз. Мустақиллик даврида Республика миқёсида Озарбайжон, Грузин, Немис, Рус, Турк, Қозоқ, Тожик, вилоятларда Араб, Қирғиз марказларининг раҳбарлари Ўзбекистоннинг давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Булар орасида "Ўзбекистон Қаҳрамони" олий унвонига эга бўлганлар ҳам бор. Ўзбекистонда барча миллат вакилларига тенг ҳуқуқли муносабат давлат Қонуни билан мустаҳкамланган. Бунинг ижобати Олий ва ўрта таълимда 7 та миллий тилда ўқитиш ишлари, 9 тилда газеталар ва телекўрсатувлар фаолият кўрсатаётганлигида кўринмоқда.

Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган муҳим ишлар билан бирга, уларга етарли даражада эътибор бермаслик, назардан қочириш, лоқайд бўлиш нималарга олиб келиши мумкинлигини бошқа мамлакатларнинг аччиқ тажрибасидан яхши биламиз. Шундай экан, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш халқимиз онгида шаклланаётган миллий мафкура ва миллий ғоямизнинг асосий, амалий мақсадларидан биридир.

Мухтасар қилиб айтганда, оптимизм нафақат эркин халқнинг хусусиятидир, балки унинг чуқур моҳияти ва ҳаракатлантирувчи кучидир. У миллий ўзликни англаш ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамловчи, миллий маънавий тараққиётини ривожлантирувчи ҳамда миллатнинг, халқнинг тикланиши учун ижтимоий муҳитни кенгайтирувчи, миллий ғурур ва ватанпарварликни мустаҳкамловчи омилдир.

**Ўрол ОБИЛОВ,**
**фалсафа фанлари доктори, профессор**

# БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ УЧУН РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

***Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳудудий босма нашрлар учун 10 000 000 сўм миқдоригача фоизсиз заём бериш бўйича танлов эълон қилади.***

*Танловда таҳририят ёкиноширлари мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар Ўзбекистоннинг юридик мақомга эга бўлган, барча вилоят ва туманлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган босма оммавий ахборот воситалари иштирок этишлари мумкин.*

**Танлов мавзуси:**

Танловга босма оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий барқарорлигини ошириш ва ўз-ўзини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни татбиқ этиш кўзда тутилган бизнес-режалар қабул қилинади.

Танлов якуни бўйича жамоат фонди билан ғолиблар ўртасида шартнома тузилади.

**Танловни ўтказиш тартиби ва муддати:**

1.Танлов ҳақида республика оммавий ахборот воситаларида эълон бериш — 2006 йил 17 июнгача;

2.Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2006 йил 7 август, соат 17.00 гача;

3.Эксперт кенгаши йиғилишида буюртмалар берилган конвертларнинг очилиши — 2006 йил 10 августда, Тошкент шаҳрида;

4.Эксперт кенгаши томонидан лойиҳаларни кўриб чиқиш ва баҳолаш — 2006 йил 11-23 августда;

5.Эксперт кенгаши йиғилишида ғолибларни аниқлаш бўйича овоз бериш — 2006 йил 24 августда.

**Буюртмаларни танлаб олишнинг асосий мезонлари:**

1.Тақдим этилган бизнес-режанинг босма оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган мақсадларга мувофиқлик даражаси;

2.Бизнес-режанинг тегишли стандарт, тузилма ва талабларга мувофиқлиги, амалий молиявий-иқтисодий асосланганлиги;

3.Лойиҳанинг самарадорлиги ва истиқболи, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши учун барқарор иқтисодий негиз яратилганлиги;

4.Заёмни қайтариш шартлари.

**Буюртмаларни тақдим этиш:**

Танловда қатнашиш учун ариза берувчилар фонд директори номига мурожаат хати тақдим этишлари лозим.

Буюртмалар ва унга илова қилинаётган ҳужжатлар давлат тилида ёки рус тилида босма ҳолда, муҳрланган бўлиб "Ҳудудий босма оммавий ахборот воситалари бизнес-режалари танловига" қайд қилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилади: **Тошкент ш., Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона.**

*Фоизсиз заёмлар олиш учун тўлиқ ёки ноаниқ маълумотлар берилган ва Эксперт кенгаши томонидан белгиланган муддатдан кейин тақдим этилган лойиҳалар танловда иштирок этмайди.*

Иштирокчилар юборган буюртмалари ва иловалари билан бирга ўз муддатида қабул қилинганига ишонч ҳосил қилишлари лозим.

Танлов ташкилотчиси почта хизмати ва алоқа воситасидаги узилишларга жавоб бермайди.

Буюртмаларнинг қайтариб берилиши сабаблари хабар қилинмайди, лойиҳалар тақриз этилмайди, тадқиқотчилар томонидан танловга тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллар қайтарилмайди.

Танловда қатнашиш учун зарур бўлган буюртманинг шакли ва бошқа ҳужжатларни Фонддан ёки **www.mmf.uz** сайтидан олиш мумкин.

*Танлов мақсади ва шартлари ҳақида иштирокчилар учун ташкилотчи томонидан консультация йиғилиши ўтказилади. Йиғилиш 2006 йил 27 июнь, соат 15.00 да Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтади.*

**Танловни мувофиқлаштирувчи ташкилот тел./факс: 144-12-51**

**РАҚАМ**

*2005 йили мамлакатимизда Интернетдан фодаланувчилар сони 780 минг кишини ташкил қилганди. Жорий йилда бу кўрсаткич 855 мингга етди.*

Йўқлов

# ҚАЛБДАН ЎЧМАС УСТОЗНИНГ ЁДИ..

**Мен зиёрат қилдим кўп**
**қабристонни,**
**Билмадим ким қилур**
**қабрим зиёрат.**
**Паҳлавон МАҲМУД**

Шундай инсонлар бўладики, тириклигида уларнинг суҳбатига тўймаган бўлсак, дунёдан кўз юмганидан сўнг тақдирга тан берсак-да, кўргимиз келаверади, соғинаверамиз. Марҳум устозимиз — Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон ҳам ўшандай кишилардан бири эканлиги бот-бот ёдимизга тушганида, тез-тез эслаганимизда ўз исботини топаверади.

2005 йил 9 сентябрь куни Тўра ака билан видолашган эдик. Ўшанда қалбимизга жуда-жуда яқин инсонни сўнгги йўлга кузатгандик.

Мотам кунлари ва кейинги ойларда устознинг хотираси билан умр кечирмай иложим ҳам йўқ эди. Чунки 20 йил мобайнида ҳамдам, ҳамнафас бўлиб, хонадонида узоқ-узоқ суҳбатлар қуриб, гаштакларда, мушоираларда тез-тез мулоқотда бўладиган Тўра акадан ажралиб қолиш бир шогирд сифатида шахсан мен учун ҳам катта йўқотиш эди.

Устоз Сирдарё воҳасидаги барча қаламкашларга қўлидан келганича ёрдам қилар, имкон борича ижодий муҳитни яхшилашга, ижод аҳлининг бошларини қовуштиришга ҳаракат қиларди. Янги кашф этилган ёш истеъдод соҳибларини ўз паноҳига олар, йўл-йўриқ кўрсатиб, руҳлантирарди.

Тўра Сулаймоннинг вафоти муносабати билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида чоп этилган таъзиянома остида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг шоир ҳақидаги дардли битиклари мотам кунлари барчани бефарқ қолдирмади. Ҳар бир дардли сўз Абдулла Ориповнинг Тўра акага бўлган ҳурмат-эътибори нақадар юксак эканлигидан далолат: «У жуда меҳрибон, оқибатли содиқ дўст эди. Дилига яқин одамни кўргиси келса, Ҳиротгача яёв кетар эди. Ёқтирмаганининг эса қасрига ҳам оёқ босмасди.

Тўра Сулаймондан ўчмас ижод ва ёруғ ном қолди.

Бу дунёда яхши инсон, диёнатли ва мард ижодкор бўлиб яшаш нечоғлик улкан бахт эканлигини Тўра Сулаймон ҳаёти мисолида яққол кўрдик.

Сизни соғиниб яшаймиз, оға шоиримиз!»

...Ширин мулоқотларнинг бирида Тўра ака:

— Ҳасанбой, — деди узоқ жимликдан сўнг.

— Лаббай, устоз? — саволомуз нигоҳ билан тикилдим.

— Шу деймaн, баъзи одамлар бир-бирлари билан гаплашиб ўтириб ҳам зерикиб кетадилар. Нега иккаламиз бир жойда соатлаб индамай ўтирсак ҳам зерикмаймиз? Тавба...Бу бир-биримизни сўзсиз англай олганимиз туфайли бўлса керак...

Ўзи берган саволга шоирнинг ўзи зукколик билан ақлли жавоб берганидан хурсанд бўлиб кетдим.

Тўра акадан 4 нафар ўғил, 4 нафар қиз, 24 нафар невара қолди. Улар ва уларнинг фарзандлари шоир ҳаётининг давомчилари. 1985 йилда бевақт дунёдан кўз юмган умр йўлдоши Замирабегимсиз 20 йил яшаган устозимизнинг қуйидаги сатрлари аламли ва армонли:

***Излай-излай зориб бўлдим,***
***Сенсиз ёлғиз ғариб бўлдим,***
***Энди босган изларингни***
***Тўрт томондан тополмасман.***

Яқинда жаҳон олимлари қибланинг илоҳий қудратига яна бир бор қойил қолишди ва компьютерлар билан қиблага қараган ҳолда ишлаш кўп касаллик келтирмаслигига иқрор бўлишди. Бу борада Тўра акага тан бермай иложимиз қанча. У кишининг ижод столи аввал-аввалдан ижодхонасининг қибла томонидан жой олган.

Устоз ўзининг узоқ давом этган касаллиги туфайли умрининг сўнгги кунларида чўп-устухон бўлиб қолганди. Куни битиб бораётганини билган шоир фарзандларига атаб видонома ёзиб, ёстиғининг остига қолдирган экан. Вафотидан кейин ёстиғи остидан топилган сўнгги шеърдан олинган биринчи бандда қуйидаги сатрлар бор:

***Охиратга қолди***
***дийдорлашувлар,***
***Энди сизлар билан***
***видолашурман.***
***Кунба-кун довондан***
***довон ошурман,***
***Бу ёруғ оламдан***
***узоқлашурман...***

... Устоз вафотидан сўнг тўрт ой ўтгач, унинг ижодхонасида истеъдодли ёзувчи Набижон Боқий билан ярим тунгача у кишини эслаб суҳбат қурдик. Шоирнинг фарзандлари Неъмат, Мирза ва Ҳамид ҳам мулоқотимизда иштирок этишди.

Тўра акани хотирлаб, унинг руҳини шод этганимиздан руҳланиб қачон уйқуга кетганимизни билмай қолибмиз. Эрталаб уйғонсам, устимда устознинг тўни ёпиғлиқ экан. «Демак совқотмасин деб Неъмат ёпиб кетган, — деган фикр ўтди хаёлимдан. — Бир вақтлар шоир тириклигида унинг танасига ҳарорат бағишлаган тўн бу тун менинг вужудимга иликлик бағишлабди-да...»

Ўрнимдан турмай тўнни юзларимга босдим. Димоғимда таниш исни туйганимда юрагим бир орзиқди. Устознинг чиндан ҳам соғинганимни ҳис қилдим.

**Ҳасан АБДУВОҲИДОВ,**
*Гулистон*

## Дараклар

### БМТнинг ЯНГИ КЕНГАШИ

***Женевада БМТнинг янги идораси — Инсон ҳуқуқлари кенгаши дастлабки йиғинини бошлаган.***



Ташкилотнинг олдинги комиссияси таркибида инсон ҳуқуқларини мунтазам поймол этиб келадиган давлатлар вакилларининг ҳам борлиги муттасил танқид қилинган ва сўнгги пайтларда обрўси тушиб кетган эди.

Сиёсий жараёнларга ўралашиб қолган илгариги комиссиядан фарқли ўлароқ, тузилган янги кенгаш ўз олдига кўпроқ демократик қадриятлар устуворлигига эришишни мақсад қилиб қўйган.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Инсон ҳуқуқлари кенгашининг янги сайланган аъзоларига мурожаат қилар экан, "Бутун дунё, айниқса, ҳуқуқлари поймол этилганларнинг кўзлари сизларга қаратилган. Уларнинг ҳафсалаларини пир қилманглар", дея огоҳлантирди.

Бош котиб сўзлари олдинги инсон ҳуқуқлари комиссиясидан норози бўлганларнинг эътирозларини тасдиқлайди.

Кенгашнинг қирқ етти аъзоси БМТ Бош Ассамблеяси томонидан сайланган. Инсон ҳуқуқлари мунтазам равишда поймол этилган Судан ва Зимбабве каби комиссиянинг собиқ аъзолари бу гал сайловга номзодларини қўйишга ҳам журъат қилмади.

Хитой билан Куба эса инсон ҳуқуқлари соҳасида ижобий ўзгаришлар ясаш борасида ёзма равишда ваъда берганларидан сўнггина кенгаш аъзолигига сайланди. Кофи Аннан улар ўз ваъдаларини бажаришлари кераклиги ҳақида огоҳлантирди. Агар ўз сўзларининг устидан чиқмаса, уларнинг кенгашдаги аъзолиги тўхтатилади.

### САДДАМ ҲУСАЙН ОСИЛАДИМИ?

***Бағдоддаги суд жараёнида қоралов томони Ироқ собиқ раҳбари Саддам Ҳусайн ва яна икки айбланувчига ўлим жазоси берилишини талаб қилган.***



Қоралов томонининг охирги чиқишида ушбу жазо етти айбланувчи орасидан Ироқнинг собиқ президенти Саддам Ҳусайн, унинг амакиваччаси Барзан ат-Тикритий ва собиқ вице-президент Таха Ёсин Рамадонларга сўралган.

Судланувчилар 1982 йилда Дужайл қишлоғида 148 шиа фуқаросининг ўлдирилиши юзасидан инсониятга қарши жиноятларда айбланмоқда.

Шиаларнинг тазйиққа олинишига Саддам Ҳусайнга нисбатан уюштирилган суиқасд сабаб бўлган. Қораловчиларнинг таъкидлашича, суиқасд ҳодисаси сохта бўлиб, у сиёсий мақсадларни кўзлаб собиқ президент томонидан уюштирилган.

Ҳимоя томони эса Саддам Ҳусайнга суиқасддан кейин қишлоқ аҳлига нисбатан шундай қаттиқ чоралар кўрилиши тақозо этилган, деб ҳисоблайди.

Ҳимоячиларнинг сўнгги чиқишлари 10 июлга режалаштирилган. Шундан сўнг маҳкама жараёнини олиб бораётган беш ҳакам ўз якуний ҳукмларини эълон қилишади. Маҳкамада айбланувчиларнинг гуноҳлари исбот қилинса, улар дорга осилиши мумкин.

### БЕЛОРУСГА ҚАРШИ ИҚТИСОДИЙ ЖАЗО

***Қўшма Штатлар расман Белорусь раҳбари Александр Лукашенко ва мамлакатнинг бир қанча амалдорларига қарши иқтисодий чоралар кўрганини расман эълон қилди.***



АҚШ Молия вазирлигининг "қора рўйхат"ига тиркалган шахсларнинг АҚШ банкларидаги ҳисоб рақамлари "музлатилади". «Эхо Москвы» радиосининг хабар беришича, Қўшма Штатлари фуқароларининг Белорусь раҳбарлари билан тижорат борасида алоқа қилишлари ҳам ман этилган.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 18 майида расмий Брюссель ҳам Европа Иттифоқи ҳудудидаги банкларда Белорусь раҳбари ва 35 нафар Минск расмийсининг мавжуд ҳисоб рақамларини "музлатиш" ҳақида қарор чиқарган. Шунингдек, Европа Иттифоқи ва АҚШ ҳудудига 30 нафар Белорусь амалдори киритилмайди.

1994 йилдан ҳукумат тепасида қолаётган Александр Лукашенко Ғарб давлатлари томонидан "Европанинг сўнгги диктатори" деб баҳоланади. Белорусда 2006 йил март ойида ўтган президентлик сайлови АҚШ ва Евроиттифоқ томонидан "найрангбозлик" дея баҳоланган.

**Азиза НАСРИДДИНОВА**
**тайёрлади**

## Шахс

# Маҳмуд Аҳмадинажот: ДУНЁ НИГОҲИДАГИ ЕТАКЧИ

***Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажот томонидан Исроил давлатини ер юзидан супириб ташлаш тўғрисида берилган баёнот ҳали кўпчиликнинг хотирасидан кўтарилгани йўқ. Балки шу боисдир, ҳозир ҳам Эрон етакчисининг ҳар бир чиқиши, ҳар бир интервьюси халқаро ҳамжамият томонидан жиддий кузатиб бориляпти. Жаҳон оммавий ахборот воситаларида ҳам Аҳмадинажот шахсига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда.***



### Журналистликдан президентликка

Ғарб таҳлилчилари томонидан ультраконсерватор сифатида баҳоланаётган Маҳмуд Аҳмадинажот асли 1956 йилнинг 28 октябрида Эроннинг шимолий музофоти — Земнанда туғилган. Бўлажак президент Теҳрон университетини муҳандис мутахассислиги бўйича якунлади. Дорилфунун таълимидан сўнг бир муддат Эрон газеталаридан бирида журналист сифатида фаолият олиб борди. 1980-1988 йиллар давом этган Эрон-Ироқ уруши даврида Аҳмадинажот кўнгилли сифатида урушга йўл олди ва мамлакат қуролли кучларининг бир қатор бўлинмаларида хизмат қилди. Урушдан кейин олий таълимни давом эттирган Аҳмадинажот 1990 йили Теҳрон университети магистратурасини тамомлади ва олийгоҳ илмий кенгаши аъзоси этиб сайланди, техника фанлари доктори унвони олишга муваффақ бўлди. Айни шу даврдан Аҳмадинажот мамлакат сиёсий саҳнасига кириб келди.

Дастлаб кичик шаҳар маъмуриятларида ишлаган бўлажак етакчига тез орада Эроннниг шимоли-ғарбида жойлашган Ардабил вилояти губернаторлиги ишониб топширилди. 2003 йили эса ёш сиёсий арбоб мамлакат пойтахти Теҳрон ҳокимлигига сайланди.

Бундан роппа-роса бир йил аввал — 24 июнда Эронда президентлик сайлови бўлиб ўтгани газетхонлар ёдида бўлса керак. Ўшанда овоз бериш тадбирининг иккинчи турида Аҳмадинажот 62 фоиз овоз тўплаб мамлакатда 9-маротаба ўтган сайловда ғалаба қозонганди. Бу воқеанинг ўзига хос жиҳати шундаки, Теҳроннинг собиқ ҳокими Эроннинг сўнгги 24 йиллик тарихида илк дунёвий бошқарувчи бўлди, чунки бунга қадар мамлакат ижроия ҳокимиятини идора қилган арбоблар диний етакчилар эди.

2005 йилнинг 5 августида ўтган инаугурация маросимидан кейин Аҳмадинажот расман президентлик вазифасини бажаришга киришди. 6 август куни эса парламент ҳузурида мамлакатни ривожлантириш ва ислом ақидасига содиқ қолишга қасамёд қилди.

### Эронликлар нега Аҳмадинажотга ишонч билдиришди?

Очиғи, ўтган йилги сайлов пайтида деярли барча кузатувчилар ва таҳлилчилар Маҳмуд Аҳмадинажотнинг ғалаба қозониши мумкинлиги тўғрисида жиддий ўйлаб ҳам кўришмаганди. Боиси, сайловда Эронни 8 йил давомида идора қилган (1989-1997) Али Акбар Хошими-Рафсанжоний фаворит сифатида иштирок этганди. Қолаверса, бу сафар олдингиларга қараганда, ижроия ҳокимиятини бошқаришга тарафдорлар жуда кўп эди — президентлик сайловида иштирок этиш учун 1000 дан ошиқ номзод ариза берганди. Бироқ кутилмаганда, Эрон халқи хорижлик кузатувчилар ва журналистлар таъкидлагандай, Хошими-Рафсанжонийга эмас, Теҳрон ҳокимига овоз берди. Нега?

Маҳмуд Аҳмадинажот ўз сайлов дастурида мамлакатнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган камбағал қатламини қўллаб-қувватлаш, Эронда юқори даражага чиққан ишсизликни бартараф этиш борасида жиддий чоралар кўришга ваъда берганди. Бу, бизнингча, сайлов жараёнида номзодга катта «очко» келтирган омиллардан бири бўлди. 70 миллиондан ошиқ фуқарога эга бўлган Эрон шароитида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва аҳолининг кўпчилик қисмини ташкил қилаётган камбағалларга фаровон ҳаёт туҳфа этиш — бугуннинг бирламчи вазифаларидан бири. Стратегик бойлик саналган нефть ва газ заҳирасига эгалик борасида дунёда фақат Саудия Арабистони ва Россиядан кейинги иккинчи ўринда турувчи давлатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад 320 доллар экани (*қиёс: Саудияда бу кўрсаткич 19 минг доллардан ошиқ*) Осиёнинг йирик мамлакати жиддий иқтисодий ислоҳотларга муҳтожлигини кўрсатади. Аҳмадинажот эса ана шундай ислоҳотларга ваъда берди.

Шу билан бирга Эронда ишсизлик даражаси ҳам юқори. Халқаро ташкилотлар маълумотларига қараганда, бу кўрсаткич 15 фоизга етади. Боз устига, Эрон аҳолисининг деярли 70 фоизини 30 ёшдан кичик бўлган навқирон авлод ташкил этадики, айнан ушбу йирик аҳоли гуруҳи ишсизликка қарши кураш эълон қилган пойтахт ҳокимига ишонч билдирди.

### Президент сиёсатининг ўзаги

Аҳмадинажот ўз сайловолди чиқишларида Эрон ядро тадқиқотларини давом эттиражагини кўп бора таъкидлаганди. Бу қарор, шубҳасиз, Теҳрон раҳбарининг президент сифатида сайланишига катта туртки бўлди.

Аҳмадинажот президент сифатида фаолият бошлагандан кейинги илк матбуот анжуманида ядро технологияси мамлакатнинг энергетика, медицина ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш учун зарурлиги ва ядровий тадқиқотларни олиб бориш Эроннинг табиий ва қонуний ҳуқуқи эканини билдирганди. Айни шу жиҳат — тинчлик мақсадларидаги ядро тадқиқотларини ҳар қандай ҳолатда давом эттириш ва Эрон миллий манфаатларини ҳимоя қилиш Аҳмадинажот сиёсатининг ўзаги, дейиш мумкин.

### Буюк давлатлар билан муносабат

Ҳар бир ривожланаётган мамлакат ўз ташқи сиёсатида дунё геосиёсатида етакчи мавқе эгаллаган давлатлар билан муносабат олиб боришга алоҳида эътибор қаратади. Бу ўринда Эрон раҳбарининг буюк давлатлар билан олиб бораётган муносабатларига нигоҳ ташласак.

***Америка Қўшма Штатлари.*** Сир эмас, Эрон ва океан орти давлати ўртасидаги муносабатлар яқин даражада деб бўлмайди. Икки мамлакат ўртасида кўп йиллардан буён дипломатик алоқалар мавжуд эмас (Яқинда АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс ядро тадқиқотларидан воз кечиш эвазига иқтисодий имтиёзлар бериш тўғрисидаги таклифни Эрон ҳукуматига Теҳронда Америка элчихонаси йўқлиги сабабли, Швейцария элчиси орқали тақдим этди).

Эрон ва Америка ўртасида дипломатик даражадаги алоқалар йўқлигининг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Америка ҳукумати Эронда олиб борилаётган уранни бойитиш тадқиқотларини Теҳроннинг ядро қуролига эга бўлиш йўлидаги уриниши сифатида талқин қилади. Шу боис, Вашингтон 1995 йилда Эронга нисбатан иқтисодий санкция жорий қилган. 2002 йили эса Оқ уй Эронни Ироқ, Шимолий Корея билан бир қаторда "зулм ўқи" давлатлари рўйхатига киритган.

Маҳмуд Аҳмадинажот эса президентликнинг илк ойидаёқ АҚШ билан муносабатларга қуйидаги тарзда ойдинлик киритган: *"Эрон халқи ўз куч-салоҳиятига ишончга асосланган тараққиёт йўлини танлади. Бу йўлда Қўшма Штатлар у қадар муҳим аҳамиятга эга эмас"*.

Эътиборли жиҳати, Эрон ядро дастури борасида қаттиқ танқидий муносабатда бўлган Оқ уй маъмурияти сўнгги пайтларда бироз юмшагандай бўлди: АҚШ президенти Жорж Буш Эрон масаласини ҳарбий усул билан эмас, дипломатик йўллар билан ҳал этиш зарурлигини узил-кесил билдирди.

***Россия.*** Эрон Россия билан ҳамкорлик муносабатига барча даврларда ҳам жиддий эътибор қаратгани маълум.



Айниқса, ҳозирги шароитда Федерация Эронни ядро тадқиқотлари борасида қўллаб-қувватлаётган ва бу йўлда ҳамкорлик қилаётган бармоқ билан санарли давлатлардан бири. Буни ўтган ҳафта Пекинда ўтган Шанхай Ҳамкорлик ташкилотининг юбилей саммити доирасида Аҳмадинажот билан учрашган Россия президенти Владимир Путин ҳам алоҳида таъкидлади. Шунингдек, ушбу мулоқот пайтида Россия раҳбари дунёнинг барча давлатлари қатори Эрон ҳам ядро технологиялари борасида тадқиқотлар олиб боришга ҳақли эканини билдирди. Аҳмадинажот талқинида эса *"Агар Эрон ва Россия ўртасида икки томонлама муносабат бўлмаганда, минтақадаги вазият бутунлай издан чиқиб кетарди"*.

Бизнингча, ана шу икки эътирофнинг ўзи ҳам мамлакатлар ўртасида муносабат қай даражада эканини тасаввур қилиш учун етарли.

***Европа Иттифоқи.*** Европа давлатлари аввал-бошданоқ Маҳмуд Аҳмадинажотни президентлик курсисига олиб келган сайловни танқидий баҳолашганди. Эрон раҳбари томонидан Ер юзидан Исроил давлатини супириб ташлаш, кейинроқ яҳудий давлатини Европага кўчириш зарурлиги тўғрисидаги қарашлар илгари сурилгач, муносабатлар янада таранглашди. Дастлаб инсон ҳуқуқлари ва ядро дастури борасида Теҳрон билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирган ЕИ юқоридаги шов-шувли чиқишлардан кейин мулоқот оҳангини ўзгартирди. Охирги пайтларда Иттифоқнинг устунлари — Франция, Буюк Британия ва Германия агар Теҳрон ядро тадқиқотларидан воз кечмаса, унинг масаласи Хавфсизлик Кенгашига қўйилишини бот-бот эслатиб турибди.

Эрон раҳбарининг ЕИ билан мулоқот позицияси эса шундай: *"Биз европаликлар билан музокараларни давом эттирамиз, бироқ, албатта, ўз миллий манфаатларимизни кўзлаймиз ва Эрон халқи ядро энергиясидан фойдаланишга ҳақли эканини тушунтириб қўямиз"*.

### Ғарб нега хавотирда?

Ғарбликлар Маҳмуд Аҳмадинажотдан хафа бўладиган жиҳатлар талайгина: у Теҳрон шаҳрига раҳбарлик қилиб турган пайтда хориж юлдузлари тасвирланган рекламаларни тақиқлади, ғарбча тутумдаги ресторан ва "фаст-фуд" дўконларини ҳам ёпиб қўйди. Ана шу арбобнинг ҳокимият тепасига келиши эса, табиийки, бутун дунёга ғарбона маданиятни тарқатиш тарафдори бўлган сиёсатдонларга хуш келмади.

Ўз фаолиятининг илк давриданоқ "намунали, қудратли ва илғор ислом жамияти" қуриш режасини эълон қилган Аҳмадинажоднинг президентлик дастурида ҳам иқтисодий мақсадлар билан бир қаторда ислом қадриятларини сақлаш тамойили мавжуд. Ана шу тамойилдан келиб чиқиб, яқинда яна бир тақиқ жорий этилди: эндиликда Эрон ҳудудига 330 минг АҚШ долларидан қиммат бўлган автомобилларни олиб кириш мумкин эмас...

### Сўнгги сўз ҳали айтилмади

Охирги пайтларда Эрон ядро дастури борасидаги музокаралар деярли бошига берк кўчага кириб қолган эди. Яқинда Вена шаҳрида ўтган халқаро анжуманда Эрон билан ядро масаласида музокаралар олиб бораётган АҚШ, Хитой, Россия, Франция, Буюк Британия ва Германиядан иборат «олтилик» келишмовчиликни бартараф этиш борасида бир қарорга келди. «Олтилик» Эрон ҳукуматига уранни бойитиш йўлидаги тадқиқотлардан воз кечиш эвазига бир қатор иқтисодий имтиёзлар беришни таклиф қилди. Иқтисодий имтиёзлар деганда, нималар назарда тутилгани ҳали батафсил билдирилганича йўқ. Бироқ айрим таҳлилчилар фикрича, Эронга ядро тадқиқотидан воз кечиш эвазига тайёр ҳолдаги бойитилган уранни етказиб бериш, АҚШнинг қишлоқ хўжалиги ва авиация соҳасидаги техникаларидан фойдаланиш имконияти ҳамда Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик борасида қўллаб-қувватлаш таклиф этилаётган бўлиши мумкин. Ушбу таклиф борасида президент Маҳмуд Аҳмадинажот ҳали узил-кесил жавоб берганича йўқ. Хуллас, дунё нигоҳи яна Эрон ва унинг етакчисида...

**Собиржон ЁҚУБОВ**

## Хорижда

# БРАЗИЛИЯДА ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ

### қандай ҳимоя қилинади?

Ҳурматли муштарий! Шундай бир манзарани кўз олдингизга келтиринг: сиз дўкондан харид қилган колбаса ёки пишлоқ сал фурсат ўтмай айниб, кўкариб кетади. Табиийки, сиз дарҳол дўконга борасиз ёхуд тегишли ташкилотга мурожаат қилишга мажбур бўласиз. Ана шундай пайтда дўкондорнинг оёғини ерга теккизмай олиб кетишларига ишонасизми? Бундай воқеа Бразилияда содир бўлиб туради. Чунки бу давлатнинг истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи кодекси худди ана шундай йўл тутишни назарда тутади. Мамлакатнинг қаерида бўлмасин, унга қатъий амал қилинади. Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарган корхона ёки уни пуллаган сотувчи қилмишига яраша суд олдида жавоб бериши кодексда алоҳида таъкидланган. Унда, айниқса, истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол этувчи ўн учта ҳолатга алоҳида эътибор қаратилган. Уларга риоя этмаганлар катта жарима тўлаш билан бирга икки йилгача қамоқ жазосига маҳкум этилишлари ҳам мумкин.



Бразилия. Сан-Паулу шаҳри.

Кези келганда, кодекс бандларидан бири ҳақида муфассалроқ тўхталишга тўғри келади. Унда айтилишича, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарганлар истеъмолчи кўрган зиённи тўлиқ қоплашга мажбур бўладилар. Ушбу банднинг аниқроқ маъноси қуйидагича: бир харидор электр ускунаси сотиб олди ва у туфайли хонадонида ёнғин чиқди. Дарҳол тегишли идораларнинг ваколатли шахслари енг шимариб ишга киришадилар ва айбдорнинг айбини бўйнига қўядилар. Корхона айбдор бўлса, янги ускуна сотиб олиб бериш билан қутулмайди. Ёниб кулга айланган хонадонни аслидек тиклаб беришга мажбур. Қани, бундан бўйин товлашга уриниб кўрсин-чи?.. Истеъмолчи томонида турган кодекс бўйин товлашга йўл қўймайди.

Уй тиклаб берилгандан кейинги ҳангомани эшитинг энди. Навбат сифатсиз маҳсулотларни кўкларга кўтариб мақтаган рекламачиларга келади: улар ҳам қилмишларига яраша уч ойдан бир йилгача қамоқ жазосига маҳкум этиладилар. Сифатсиз маҳсулот машмашаси бу билан ҳам чекланиб қолмайди. Ўша маҳсулотни ишлаб чиқарган фирма ёхуд корхона аввалги рекламасига қанча ҳақ тўлаган бўлса, ўшанча ҳақ тўлаб, қанча фурсат мақташган бўлса, ўшанча фурсат бу ташкилот маҳсулотини харид қилганлар кўнгилсиз ҳодисаларга дуч келишлари мумкинлиги ҳақида тескари ташвиқот уюштиришга мажбур. Яна қонунда харид қилинган маҳсулотнинг сифатсизлиги аниқлангач, унга билдириладиган эътироз муддати ҳам узайтирилган: яъни, ўттиз кундан тўқсон кунгача. Ҳатто қонунда харидоргир молларга ўтмас матоҳларни қўшиб сотганлар ҳам аёвсиз жазоланиши таъкидланган. Кодекс талабларининг тўлиқ таъминланишида истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Миллий кенгаши ҳамда Адлия вазирлигининг тегишли департаменти масъул. Бу нуфузли идораларни қуйи таянч ташкилотлари мамлакатнинг ҳар бир штати ва муниципалитетларида фаолият олиб боради. Бунинг устига йирик савдо марказлари қошида харидорларни энг сўнгги нарх-наволардан хабардор этиб турувчи ва улар истаган пайтларида керакли маълумот олишлари учун маслаҳат хизмати ишлаб туради.

Қисқа қилиб айтганда, кодекс эски, аммо ҳар доим ишлатиладиган нақл: «Харидор, сен доим ҳақсан!» тамойилини қонуний тарзда мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Мурод ПАРПИХЎЖАЕВ**
**тайёрлади**

***"Олтин мерос" Халқаро хайрия жамғармаси фаолиятини бошлаганига ўн йил бўлди. Бу вақт давомида жамғарма миллий меросимиз тарғиботчиси сифатида оммага танилиб улгурди. "Шифо-инфо" газетаси жонкуярлари билан ҳамкорликда "Халқимизнинг тиббий мероси ва муносиб ворислик муаммолари" мавзусида ўтказилган анжуман ҳам жамғарманинг хайрли ишларидан бири бўлди. Анжуманга Ўзбекистонда тиббиёт илмига ўзига хос ҳисса қўшган олимлар, мутахассислар ва уларнинг шу соҳадаги заҳматларини ёритадиган журналистлар тўпланишди.***

# "Шифо-инфо" — "Олтин мерос"да

"Олтин мерос" Халқаро хайрия жамғармасининг республика бошқаруви раиси Амирқул Каримов тадбирни очар экан, яқинда қадимги бир ноёб китоб топилганлигидан иштирокчиларни хабардор қилди ва ҳозиргача тўпланган 500 дан ортиқ қадимги китобларнинг ҳам катта қисми тиббиётга оидлигини айтди.

— Ҳаммамизга маълум, халқимиз "сариқ матбуот" деб аталаётган газеталарни кўпроқ ўқияпти, — дейди таниқли шифокор Ўктам Муҳаммад Мурод. — Уларнинг аксарида табобатга бағишланган саҳифалар бор. Шифокорлар орасида "Даволашни билмасанг, зиён ҳам етказма", деган гап юради. Тиббиёт — одам ва унинг ҳаёти билан боғлиқ соҳа. ОАВда бу ҳақда билиб-билмай маълумотлар чоп этиш яхши эмас.

Ўктам Муҳаммад Муроднинг билдиришича, тиббий меросимизга оид бир қатор асарлар нашрга тайёрланаётган экан. Бу бебаҳо китоблар кўп ўтмай мухлислар қўлига етиб борса, ажаб эмас.

"Бошидан ўтган табиб", деган мақол бор. Лекин бу ҳамма бошидан ўтказиб табиб бўлиши керак дегани эмас. Халқимизнинг тиббий саводхонлигини ошириш, ҳамюртларимиз бошидан ўтгандан кейингина "табиб" бўлмасликлари учун газета ташкил қилдик". Бу гапларни тиббий меросимизни тарғиб қилишда жонбозлик кўрсатаётган "Шифо-инфо" газетаси муассиси Фарҳод Норматов айтди. Шунингдек, анжуманда иштирок этаётган газета бош муҳаррири, таниқли ёзувчи Шароф Бошбеков "Шифо-инфо"нинг келгусидаги иш принциплари борасида қисман тўхталди.

Тадбир сўнгида тиббиёт мавзусини фаол ёритган журналист ва ижодкорлар тақдирланди.

**Фаррух ЖАББОРОВ**

# ЯНГИЛАНАЁТГАН "НАФОСАТ"

*Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони ҳам, салмоғи ҳам ошиб бормоқда. Улар ижтимоий, илмий, маданий ва шу каби бир қатор йўналишларда фаолият юритмоқда. Шундай ННТлардан бири "Нафосат" аёллар ва ўсмирлар ўқув-амалий маркази. Биз ўзимизни қизиқтирган бир неча саволлар билан марказ раҳбари* ***Ноила МАТЯКУБОВА****ни суҳбатга тортдик.*

**— Суҳбатимизни анъанавий саволлардан бошласак. Ўқув маркази очиш фикри сизда қачон туғилган?**

— Асли касбим тикувчилик. Биласиз, аёллар учун тикиш–бичишни билиш ҳаётда жуда асқотади. Шунинг учун бўлса керак, кўп қизлар тикувчиликни ўргатинг деб мурожаат қилишарди. Лекин хонадонимизда бунга имкон бўлмаган. Ўша вақтлари алоҳида жой бўлса, қизларга тикиш-бичиш сирларини ўргатсам деган орзум бор эди. Кейин ННТ ҳақида хабар топдим ва шу ишга киришдим.

**— Нега айнан ўқув марказини очишда нодавлат нотижорат ташкилоти мақомини танладингиз? Кейинги пайтларда ўқув марказлари кўпайиб бормоқда. Улардан "Нафосат"нинг фарқи нимада?**

— Тўғрисини айтсам, хусусий марказ очиш учун мўмай молиявий маблағ керак эди. Мен эса ўзимдан келиб чиққан ҳолда имкон қидирдим. Қолаверса, инсон фақат ўзи учун яшамаслиги керак. Иккинчи саволингизга келадиган бўлсак, бу ҳақда низомимизда батафсил кўрсатилган. Биз кўпроқ кам таъминланган оилалар билан ишлаймиз. Ўқув курсларимиз ҳам мутлақо бепул, маҳалладан маълумотнома олиб келинса бўлди. Шу ўринда таълим йўналишларимиз ҳақида ҳам гапириб ўтсам. Ўқув курслари беш йўналишда олиб борилади: бичиш-тикиш, массаж, компьютер сабоқлари, инглиз тили ва пишириқлар. Ўз навбатида ҳар бир йўналиш кичик-кичик тармоқларга бўлиниб кетади.

**— Ҳар ҳолда ишларни бу тариқа йўлга қўйиб олиш осон кечмаган бўлса керак?**

— Марказимиз 2002 йил август ойида ташкил қилинган бўлса, дастлаб ишни бир дугонамнинг уйида бошлаган эдик. Аввалига ишимиз анча суст кечди, токи Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати грантини қўлга киритгунимизгача. 2005 йил "Ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар" танловида "Ёшлар орзуси" лойиҳаси билан қатнашгандик, омадимиз чопиб қолди — ютдик. Кейин бирдан ишлар қизиб кетди. Ўз офисимизга, компьютерларимизга эга бўлдик. Бир йил мобайнида 300 га яқин ёшлар ўқув курсларимизни тамомлашди. Агар марказимиздан олинган билимлар улар учун бесамар бўлмаса, ҳаётлари давомида фойдаланишса, демак, биз бекорга ишламаётган эканмиз.

**— Шулар билан чекланиб қолиш ниятингиз бўлмаса керак?**

— Албатта, ҳали олдиндаги мақсадларимиз талайгина. Негадир ҳозир ёшлар япон, корейс, хитой тилларини ўрганишни хоҳлашади. Мана шу истаклардан келиб чиқиб тил ўрганиш курсларини кўпайтириш ниятидамиз. Биринчи ўринда япон тили курсини очамиз, худо хоҳласа. Бунга ўқитувчимиз ҳам бор, талабкорлар ҳам етарли. Ғайратхўжа Сайдалиев деган бир йигитимиз: "Инсоният ахборот даврига қадам қўйди. Энди ҳар бир киши Интернетдан фойдалана олиши лозим. Шунинг учун ёшларга Интернетда ишлашни ўргатайлик", дейди. Ғайратхўжанинг ғайрати, ташаббуси билан Интернет курсларини ташкил қилмоқчимиз. Фарзандларимиз ахборот асрида ахборот билан ишлашни ўргансин-да!

Анчадан бери мени бир муаммо қийнаб келади. Оилавий борди-келдилар одатда тушунмасликдан, билмасликдан келиб чиқади. Ҳаётда муомала, психология катта аҳамиятга эга. Аёлларимизни психологик билимлардан бироз баҳраманд қилишимиз керакмикин? Уйда ўтирадиган опа-сингилларимиз кўпгина янгиликлардан бехабар қолишади. Фарзанди кўчадан нимандир эшитиб келса, она унга муносиб муносабат билдира олмайди. Боланинг саволларига ҳам тўғри жавоб беришга қийналиши мумкин. Шунинг учун қизларимизга турмуш сабоқларини ўргатадиган, шунингдек, уй бекалари учун махсус психологик курслар очишни ният қилганман. 227-мактаб директори Саодат Тўрахонова билан мулоқотда унда ҳам шу фикр борлиги маълум бўлди. Энди Саодатхон билан ҳамкорликда ишламоқчимиз.

**— Муаммо бўлмаган жойда тараққиёт ҳам бўлмайди дейишади.**

— Тўғри, ҳар бир муаммонинг ечими тараққиёт-да, аслида. Олдимизда турган энг катта муаммо жой масаласида. Ҳозирги офисимиз сал торлик қиляпти. Каттароқ жой топишга ҳаракат қилаётирмиз. Агар бу масала ҳал қилинса, боя айтган мақсадларимизни бемалол биринкетин амалга ошира бошлардик. Яна биласизми, мен аввалари ўқув маркази очсам, ҳамма келади деб ўйлаганман. Лекин ўзингни танитиб олиш жуда қийин экан. ОАВ орқали марказимизни тарғибот қилишнинг ҳеч иложини тополмаяпмиз. ТТВда, «Тасвир»да реклама берилди. Лекин бу камлик қилмоқда. Ҳали ҳатто атрофимиздаги маҳаллаларда ҳам шундай ўқув маркази борлигини, бепул хизмат кўрсатишини билмайдиганлар кўп. Қўлдан келганча ўзимиз маҳаллаларда, мактабларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боряпмиз. "Нодира", "Донишманд", "Аҳмад Назаров", "Сивец", "Акмал Икромов", "Янгиобод" каби маҳаллалар ва 227-, 198-, 230-мактаблар билан ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилган.

Хуллас, барча муаммолар иш давомида секин-аста ҳал қилиб борилса бўлади.

**— Суҳбатимиз охирлаб қолди. Хулосаларингиз?**

— Ҳокимият, ННТ ва маҳалла учлиги энг керакли нарса. Биргаликда кўп эзгу ишларни амалга оширса бўлади. Сўнг сўз сифатида нима дейишим мумкин? Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари кўпайсин!

**Фаррух ҲАСАН ўғли**
**суҳбатлашди**

*Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".*

Таассурот

# АРМОН ВА ОРЗУЛАР ДЕНГИЗИ

### ёхуд ютоққан юракларга томган саёҳатномалар




Буюк миллатларга хос, қалбни ифтихор туйғулари билан тўйинтирувчи, унутилмас лаҳзаларни миллатпарвар фарзандлар ҳаётининг беором, шижоатли дамлари тарих саҳифаларига муҳрлайди. Ана шу ифтихор туйғуси биз тенги авлод қалбида негадир чалкашроқ, нурсизроқ намоён бўлади. Бунинг сабаблари кўп, албатта...

Болалиги йигирманчи асрнинг 50-80 йилларига тўғри келган миллатдошларимиз курраи заминни аллақайси мамлакатнинг мавжуд-номавжуд (яъни бадиий тўқима) сойирлари нигоҳи билан кўрар, юртимиз тупроғида туғилиб, ер шарининг талай минтақаларига пойқадами етган аждодларимизга дахлдор қадриятлардан деярли иҳоталаб қўйилган эдик.

Марко Поло, Христофор Колумб, Ганзалес де Клавихо, Фритьоф Нансен, Отто Свердруп, Руал Амундсен ва бошқа юзлаб олимлар ва сойирларнинг турли қутб ва минтақаларга махсус сафарлари ҳақида ўқисак, Ғарб сайёҳлари ҳақидаги турли бадиий фильмларни томоша қилсак, ичимизда қандайдир ўксиниш ҳисси ғимирлаб қоларди. Нега ўшалардай жасур фидойи аждодларимизни билмаймиз, дея армон денгизига ғарқ бўлар эдик.

Одам қадами етмаган қайсидир минтақа ёки ўлкани кашф этиш, ўрганиш жараёнидаги машаққатлардан ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмларни томоша қилганда, шуларга нима зарур экан, ўзларини азоб-уқубатларга гирифтор қилиб, дея ҳайрон бўлардик. Уларнинг асл мақсадларига фаҳмимиз етгач эса, нега бизнинг олимларимиз ана шундай мақсадли сафарлар уюштиришмаганикин, деган ўкинч қалбларимизни кемира бошларди.

Бу армонангиз мулоҳазалар узоқ йиллар, то соҳибқирон Амир Темур ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур номлари билан боғлиқ экспедициялар ташкил этилиб, улар фаолияти ҳақидаги материаллар матбуотда ёритила бошлагунча асаб торларимизни чийратиб тураверди. Шукрки, диёримизда истиқлол шабадалари эсиб, ташқи дунё билан алоқалар жонланди. Улуғ аждодларимиз босиб ўтган йўлларни ўрганиш мақсадида илмий-амалий сафарлар уюштирила бошланди. Турган гапки, Ўзбекистонимиз фарзандлари ҳам тарихда бу борада буюк миллатларга хос ишлар қилгани ойдинлаша борди...

Шу ўринда афсус қиладиган бир мулоҳаза. Соҳибқирон Амир Темур босиб ўтган йўлларни тадқиқ этиш ниятида тузилган дастлабки хайрли гуруҳ — экспедиция тўғрисида истеъдодли публицист Ҳаким Сатторийнинг матбуот саҳифаларида чоп этилган мақолалари орқали хабар топган ва қувонган эдик (дастлабки сафар 1991 йил 1-20 августда уюштирилган эди). Ижодкорнинг сафарлардан таассуротлари ўлароқ чоп этилган бир неча рисолаларига ҳам (жумладан, "Хотира карвони", "Фан" нашриёти, 1994 йил) кўзимиз тушди. Бироқ, афсуски, ушбу экспедиция фаолияти изчил давом эттирилмай, оро йўлда қолиб кетган, деб эшитамиз...

Бобур халқаро фонди ташкил этилганидан буён дунёнинг йигирмата мамлакатига ўндан ортиқ илмий экспедициялар уюштирилди. Автобусда 300 минг километрдан ошиқроқ масофани босиб ўтди, деб ёзди севимли газетамиз "Ўзбекистон адабиёти ва санъати". Фонд жонкуярлари нафақат бобурийлар, балки халқимиз, юртимиз шаъни-шарафини дунё миқёсида туғро қилиб кетган кўплаб буюк ватандошларимиз сиймоси, ҳаёти, ижодини ўрганиш, улар хоки мангу макон топган гўшаларни излаб топиш, ободонлаштириш борасида ҳам таҳсинга лойиқ ишларни амалга оширишмоқда. Экспедиция сафарларидан бирида Ҳирот шаҳри яқинида буюк ўзбек шоири Лутфий ҳазратларининг нураб, кўмилиб ғойиб бўлган хобгоҳини топишга муваффақ бўлганидан хабар топган эдик. Мана яқинда, аниқроғи, 2006 йилнинг май ойида тиниб-тинчимас Зокиржон Машрабов бошчилигида изсиз йўқолиб кетиш арафасида турган ушбу қабр устида ўймакорлик услубида яратилган нақшинкор шийпон (андижонлик ёғоч ўймакори Уста Йўлбарс шогирдлари билан тайёрлашибди) қад ростлабди. Сағана устига Ғозғондан олиб борилган мармартош ўрнатилибди.

Бу саъй-ҳаракатлар наинки халқимиз, балки бугун жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам қизғин маъқулланиб, эътироф этила бошлади. Экспедиция фаолиятининг вақтли матбуотда изчил ва атрофлича ёритилиб бораётгани, ҳар галги сафар юзасидан алоҳида-алоҳида китоблар чоп этилиши ҳам айни муддао бўлмоқда.

Шу ўринда биз экспедициянинг фаол иштирокчиси ёзувчи Қамчибек Кенжанинг "Ҳинд сориға" (2000), "Андижондан Даккагача" (2003), "Буюклар изидан" (2006) деб номланувчи саёҳатномалари (китобларнинг барчаси "Шарқ" нашриёти матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган) ҳақида ҳам бир-икки оғиз сўз айтишга қарор қилдик.

Адибнинг сафар таассуротларини ўзида жамлаган ушбу китоблари қайси жиҳатлари билан қадрли?

"Ўнта бўлса ўрни бошқа... Қамчибекнинг ушбу асарлари Бобур Мирзога бағишланган китоблар орасида ўзига хос ўрин олади, сафарнома жанрини кўпгина янгиликлар билан бойитади", — деб ёзади муҳтарам адибимиз Пиримқул Қодиров.

Дарҳақиқат, сафарномалар муаллифи назарига тушган ҳар бир воқелик — бино, шахс, табиат манзараси, ҳайвонот, наботот олами Бобур Мирзо шахси, даври, ижоди ва бугунги Ўзбекистонимиз тимсоллари билан қиёсан тасвирланади, хулосалар чиқарилади. Муаллиф қайси мамлакатда бўлмасин, маҳаллий аҳоли аҳволи, руҳиятига синчиклаб назар солади. Оддий кишилар, деҳқонлар, зиёлилар, айниқса, хотин-қизлар турмуши, кийиниши ва юриш-туришидаги айни миллат ё элатга хос бўлган бетакрор жиҳатларни нозик илғайди ва ниҳоятда жонли, равон тилда тасвирлайди. Кишилар характери, хатти-ҳаракатидаги ёқимсиз ҳолатларни ҳам ўзига хос ажойиб юмор билан шунақанги беозор ифодалаб берадики, бундай ифода услубига ҳавас қилиблар кетасан киши. "Лоҳўр қассобларининг... гўшт сотиш тартиблари менга унча маъқул бўлмади. Улар дўкон орқасида, ерга ўтириб олишиб, гўштни оёқ панжалари билан қисиб туриб кесишаркан" ("Ҳинд сориға", 114-бет). Бу жумлаларнинг нимаси кулгили, дерсиз? Гап шундаки, китобда экспедиция аъзолари бир кун олдин ана шу қассоблардан гўшт сотиб олиб, шу ерлик Муҳаммад Шафиқ исмли киши ёрдамида шўрва пишириб ичишгани ҳам қистириб ўтилган...

Адиб экспедиция ҳаракат қилаётган жой халқи, урф-одатлари, миллатидаги алоҳида ўзига хосликлар, мавжуд сиёсий тузум билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ҳолатларни мустақил Ўзбекистонимизнинг ғурурли, ориятли бир фарзанди — фуқароси сифатида кузатади, баҳолаб боради. Бироқ муаллиф ҳар икки томоннинг ютуқ ва камчиликларини муқояса қилиш, таҳлил этишда беғаразлик, холислик мезонларидан айро тушмайди.

Муаллиф воқеликни экспедициянинг оддий иштирокчиси сифатида, шунчаки тасвирлаб кетавермайди. У ҳофизасида илгари муҳрланиб қолган хотираларни маҳоратли ижодкор сифатида юксак бадиий мезонлар талабидан келиб чиқиб тасвирлашга ҳаракат қилади. Шу боис бобурийлар билан боғлиқ ҳар бир воқеа, ҳодиса сафарномаларда алоҳида ҳис-ҳаяжон, меҳр-муҳаббат, эҳтиром туйғуларига йўғрилган ҳолда тажалли топади. Таассуротларини хаёлида эъзозлаб юрган ҳис-туйғуларга йўғириб, дунё фани, адабий-бадиий қадриятларидан ўзлаштирган фараз ёки қарашлар силсиласи билан муқояса этган ҳолда хулосалар чиқаради. Масалан, муаллиф бир ўринда Ҳофиз Шерозийнинг дунёга машҳур шоир бўлиб танилишида Эрон аёлларигагина хос бўлган гўзал ҳусн, латофат, тимқора сирли либослару шаҳло кўзларнинг "хизмати" бениҳоя катта бўлган, деган фаразни илгари суради ва асосий муддаога кўчиб ёзади: "... шу ўринда мен яна ҳусну малоҳатда беқиёс, Жаҳонгир ва Шоҳжаҳондай бобурий шаҳзода, шахсларни ўзига ром этган Нуржаҳон бегим, Мумтоз бегимларнинг ҳам асли эронлик эканликларини эсладим".

Бу ўринда Эрон аёллари гўзаллиги, малоҳатига таҳсину офарин баҳонасида муҳим бир тарихий ҳақиқат — маликаларнинг насли-насаби форсий эканлиги, эроний аёллар гўзаллигига бобурий боболаримиз ҳам бефарқ бўлмаганликлари таъкидланмоқда.

Ёзувчи ўз нигоҳида инъикос топган ҳар қандай воқеликдан ижодкор сифатида ҳикмат, гўзаллик, экспедиция аъзоси сифатида илмий ҳақиқат ахтаради. Воқеа ва ҳодисалардан, тарихий шахслар тақдиридан, албатта, Бобур Мирзо сиймоси билан боғлиқ бирор бир янги жиҳат топиш пайидан бўлади. Ва бу некбин изланишлар, умидлар кўп ҳолларда ўз ижобий самарасини берганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Муаллифнинг ҳар гал сафарга отланиш олдидан бобурийларга дахлдор турли ривоятлар, адабий-бадиий асарлар, хорижий олимлар қаламига мансуб илмий манбаларни излаб топиш, ўрганишга жуда катта куч ва вақт сарфланганини китобхон ҳар бир жумла, ҳар бир саҳифада ҳис қилиб туради.

«Сафарнома машаққатли меҳнатдан ташқари катта муҳаббатнинг ҳам маҳсулидир», — деб ёзади Қаҳрамон шоир Абдулла Орипов "Андижондан Даккагача" номли китобга ёзган сўзбошисида. Дарҳақиқат, биз қизиқиб, ютоқиб ўқиётганимиз саҳифалар ташқи оламни асосан автобус ойнасидан кузатиб бораётган ёзувчи Қамчибек Кенжа нигоҳига тўқинган, оддий одам учун унчалик ҳам аҳамиятли бўлмаган, адоғи йўқ, бир хилдаги табиат манзаралари оқимидан иборат, зерикарли ҳодисалар, холос. Бироқ ўша кўзлар кўраверибиб кўникиб кетган оддий қуш, ўт-ўлан, хас-чўп, дов-дарахт, тош, обу оташ, юлдуз, ой, қуёш — барчаси ёзувчининг Бобурга бўлган катта муҳаббати туфайли ёрқин образларга йўғрилиб, ҳароратли жумлаларга айланиб сиз билан бизнинг қалбимизга кириб келади.

Экспедиция Лоҳўр (Покистон) йўлида хурмо йиғим-терими устидан чиқиб қолади. Ўзбекистонликлар учун хурмо дарахтининг қандай ўсиши, меваси, ҳосили қай тарзда йиғиштириб олиниши қизиқарли жараён, албатта. Муаллиф бу имкониятни қўлдан чиқармайди. "Катта, текис майдонга бўйралар солиниб, хурмо тўкиб ташланган экан. Дарахтлар тепасида узум шингилидай ғужум-ғужум қизғиш сариқ хурмолар олтиндай товланади. Дарахтга чиқиш учун шотининг ҳам кераги йўқ: порсилдоқсимон танаси оёқ қўйишга ўнғай. Лекин барибир белга арқон боғлаб олишаркан".

Демак, биз асосан рўзайи Рамазон кунлари тановул қилишга одатланиб қолганимиз тансиқ, жийдасимон хурмо нави узум шингилидай ғужум-ғужум мева солади. Қизғиш сариқ, олтиндай товланиб туради. Танаси порсилдоқ бўртиб-бўртиб чиққани боис теримчига шотининг кераги йўқ. Баландлиги-чи? Айтилмайди. Теримчилар белига арқон боғлаб олишларидан дарахт хийла баланд ўсиши кўз олдингизга келади.

Сафарномаларда экспедиция аъзоларининг феъли-хўйи, ўзини тутишларига чизгиларда, бир-бирлари билан муносабатларидаги айрим келишмовчиликлардан ҳам муаллифнинг заргарона эҳтиёткорлиги "чийратма" ифода усуллари кўзга ташланади. "Мулоқот ва манзаралардан гоҳо-гоҳо нохушроқ тутун иси келиб қолади-ю, аммо ҳайтовур тез тарқаб кетади..." дея хайрият изҳор қилади муаллиф. Ёзувчининг бу борадаги маҳорати хорижда экспедицияга бирктиб қўйиладиган йўл кўрсатувчи ниқоби остида ҳамроҳлик қиладиган махсус кузатувчиларнинг хизмат тақозосига доир сирлилик, шахсиятларидаги биқиқлик, дунёқарашларидаги чекланганлик хусусиятларини очиб беришда жуда қўл келади. Масалан, Покистон йўллари бўйлаб кузатиб борувчи махсус ходим Парвезга табиати, феъли-атворидан келиб чиқиб, лундагина қилиб "қўнқавой", дея сифат берилади. Бу ибора бизда қандай кишиларга нисбатан қўлланилиши кўпчиликка ойнадек аён.

Умуман, ёзувчи Қамчибек Кенжа қаламига мансуб сафарномалар ҳақида матбуотда турлича фикрлар билдирилмоқда. Улар орасида академик Азиз Қаюмов мулоҳазалари фавқулодда лўнда ва кутилмаганлиги билан ажралиб туради. У киши шундай ёзган эди: "Бобур халқаро жамғармаси... бугунги ўзбек бадиий адабиётида янги бир ижодий соҳанинг пайдо бўлишига... сабаб бўлмоқда. Бу бадиий сафарнома жанридир".

Одатда, ҳар қандай экспедиция муваффақияти асосан икки муҳим омилга боғлиқ. Бу — зарур маблағ ва ҳар жиҳатдан ўйлаб, тўғри шакллантирилган аҳил жамоа. Мана шу икки жиҳати беқусур йўлга отланган сафар иштирокчилари, албатта, мақсадларига эришиб, шон-шуҳрат қозонганига тарих кўп бор гувоҳ. Бу ўринда Бобур номидаги халқаро экспедициянинг ташкилотчиси, раҳнамоси, том маънодаги миллат фидойиси Зокиржон Машрабовнинг хизматлари ўзбек маданияти ва маънавияти тарихида алоҳида нурли саҳифа ўлароқ ёзилса ҳам ажаб эмас.

Бир куни Бобур номли экспедиция эришаётган муваффақиятлар боисини Қамчибек ака Кенжабоевдан сўрадим. У кишининг жавоби қуйидагича бўлди:

— Зокиржон ака Машрабов туфайли, — Қамчибек ака нимандир мулоҳаза қиларкан, бироз ўйланиб тургач, фикрига ойдинлик киритди. — Ҳожи аканинг хусусий фирмаси, асосан, мана шу экспедиция учун ишлайди. Аммо у киши сарф-харажатларини зинҳор пеша қилмайди, билинтирмайди. Бир одамнинг Андижондан Тошкентга келиб кетиши учун қа-анча пул кетади. Энди бутун бошли экспедициянинг автобусда ойлаб хорижий мамлакатларда юришини тасаввур қилинг. У кишининг тутумини Ҳотамтой ҳам қилолмаса керак.

Қамчибек ака Зокиржон Машрабовнинг раҳбарлик, олимлик, тадбиркорлик салоҳиятларидан ташқари инсон қалбини ниҳоятда нозик илғовчи руҳшунос, фавқулодда ҳолатларда ўзини йўқотмай, вазиятга совуққонлик билан баҳо бериб, ҳатто хавфли, хатарли лаҳзалардан чиқиш йўлларини топа биладиган, ўта сабр-қаноатли, довюрак инсон сифатидаги қиёфасини ҳам кўз олдимда гавдалантириб берди. Аслида ҳам Зокиржон Машрабовнинг ана шу фазилатларни ўзида тўла мужассам қила билган шахс эканлигига шуҳбамиз йўқ эди. Акс ҳолда экспедиция бугун қўлга киритиб турган муваффақиятларининг ўндан бирига ҳам эришмаган бўлар эди.

Аксарият сармоядорлар топганини сандиққа босиш ёки бирор чет эл банкига оқизиш, ким ошдига маҳобатли саройлар, кошоналар, пултопар маишатгоҳлар барпо қилиш билан андармон бўлиб турган бир пайтда Зокиржон ҳожининг улуғ аждодларимиз изларини излаб, хоки туробларини пайпаслаб ойлаб ҳузур ҳаловати, соғлиғи, бола-чақалари дийдоридан кечиб, бегона юртларда, чўлу биёбонларда ҳаётини хавф остига қўйиб, инсофу диёнатни унутган божгирлар, сарҳад посбонлари, турли амалдорлар қошида ҳафталаб сарғайиб туришлари. Каззоб, йўлтўсар қароқчилар ҳужумларидан экспедицияни омон сақлаб, олиб ўтишлари... бу энди айтмоққа осон, холос.

Ўз қишлоғи номини ариқ ҳатлаб қўшни қишлоққа олиб ўтган йигит ардоққа лойиқ, дейдилар. Ана шу мезонлардан келиб чиқадиган бўлсак, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция қўлга киритган ютуқлар жиддий эътироф ва эҳтиромга арзирли ҳодисадир, дегимиз келади.

**Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ**

---

Назм

# Ҳаётим кемтиги сиз билан тугал



### ШУ ЮРТ БИЗНИКИ

*Мозий қатларидан келар бир садо*
*Эгил, ўп тупроғин айла тўтиё,*
*Дунё чаманида дурри бебаҳо*
*Шу Ватан бизники, шу юрт бизники.*

*Қадим Осиёнинг машъал маёғи*
*Мирзо Улуғбекнинг юлдуз чироғи.*
*Исёнкор Машрабнинг ёниқ юраги*
*Шу Ватан бизники, шу юрт бизники.*

*Шу Ватан хокидан бир ҳовуч турбат,*
*Илинжида зор ўтди Бобуру Фурқат.*
*Кечмишдан нидодир мунглиғ хотирот*
*Шу Ватан бизники, шу юрт бизники.*

*Бугун юртда шоддир аждодлар руҳи,*
*Ҳилпирайди ғолиб Темурнинг туғи,*
*Ҳурлик боис ортар диллар шукуҳи,*
*Шу Ватан бизники, шу юрт бизники.*

*Мозий қатларидан келар бир садо,*
*Эгил, ўп тупроғин айла тўтиё.*
*Дунё чаманида дурри бебаҳо,*
*Шу Ватан бизники, шу юрт бизники.*

### АГАР КЕТАР БЎЛСАМ

***Эркам, менга очгин дилингни,***
***Қуласа ҳам устимга осмон.***
***Севаман деб ўксик кўнглимни,***
***Кўтар сўзинг бўлса ҳам ёлғон.***

***Бир бор тинглай, майли, сўнгра у***
***Айланса ҳам баланд осмонга.***
***Дўст бўларкан юракка қайғу,***
***Кўникаркан қалбинг армонга.***

***Мен энг узоқ, энг яқинингман,***
***Мен энг яқин, энг узоғингман.***

***Рост. Сўзингдан қанча тонмагин,***
***Тоқатга айланган тоғингман.***

***Сен айтасан: "Муҳаббат сароб".***
***Шу саробда мавжудсан ўзинг.***
***Манзилсиз манзилимда, ё Раб,***
***Юпанч менга жуфт чарос кўзинг.***

***Бу дунёда ўзинг бир дунё,***
***Тилинг кет дер, қолгин дер юрак.***
***Агар кетар бўлсам сени ҳам,***
***Бирга олиб кетишим керак.***

### АФСУНГАР НИГОҲ

*Эркам, сени менга Худо етказди,*
*Тангрига етибди илтижоларим.*
*Ўксик юрагимга бир гул ўтказди,*
*Тинчирди дийдамдан ёш-жолаларим.*

*Бу қандай мўъжиза, қандайдир тилсим,*
*Кўнгилда сокинлик роҳат топар жон.*
*Бағримда нимадир эрийди сим-сим,*
*Руҳимни тарк этди қўрғошин армон.*

*Сен келдинг қошимга энди мен сира,*
*Ўртаниб ҳижронда ва чекмайман оҳ.*
*Бугун бари ўтмиш, бари хотира,*
*Шифокорим ўзинг, афсунгар нигоҳ.*

### ИНСОН ТАҚДИРИ

***Дашном берди ота ҳар куни,***
***"Ирғишламай, тек ўтир бир зум".***
***Она бошга кўтариб уйни,***
***У шўрликка кўп қилди зулм.***

***Руҳан тушкун ўсди митти жон,***
***Дош беролмай даҳшат, зуғумга.***
***Кўринса-да сиртидан одам,***
***Айланганди жонли буюмга.***

### ҲИССИЁТ

*О, кўзлари тубида гизлин изтироб,*
*Маъюс чеҳрангизда кезар тийрамоҳ.*
*Сиз кўҳна оламда покиза азоб,*
*Бу қадим дунёда танҳо бегуноҳ.*
*Сиздан фаришталар олишсин сабоқ.*

*Гўдак кўзидаги қувончдай гўзал*
*Нигорон нигоҳда бокира бир ҳис.*
*Тақдир туҳфасидир менга эҳтимол,*
*Хокисор умидим — қалби оппоқ қиз.*
*Ҳаётим кемтиги сиз билан тугал.*

*Тўзим тилаб жонга тонгларни кутиб,*
*Ухламай кузатиб тунларни бедор,*
*Кўнглим дафтарини варақлаб титиб,*
*Бир латиф шеър излаб мен сизга, дилдор*
*Яшаб келаяпман ўзни овутиб.*

*Боладай алданиб йиғлаб юпандим,*
*Кундуз қуёш, тунда ой бўлди ошнам.*
*Сизни бир кун топишимга ишондим,*
*Лабим қуриб, қалбим қолганда қақраб,*
*Менга гулоб бўлди сабуҳий шабнам.*

*Бадқовоқ туннинг ҳам кўзлари ёрир,*
*Сочилар юлдузлар гўёки чаман.*
*Бахтнинг қучоғида симобдай эрир,*
*Муҳаббат душмани шўрманглай армон*
*Тонг отар капалак ёлидай ҳарир.*

**Очил ТОҲИР**

---

Учрашув

# "ДЎСТ БЎЛАЙЛИК"

***Матбуот конференцияси ўтказиш анъанаси тусига кириб бормоқда. Айниқса, санъаткорларимиз орасида. Шундай тадбирлардан бири Миллий матбуот марказида бўлиб ўтди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Сулаймонова журналистлар билан бўлиб ўтган бу учрашувини "Дўст бўлайлик" деб номлабди. Санъаткорнинг илк айтган сўзлари журналистларни келаётган байрамлари билан табриклаш бўлди ва ўтказилаётган учрашув ҳам 27 июнь — Матбуотчилар кунига бағишланганини билдирди. Гулбаҳор Сулаймонованинг ижоди ҳақида бошланган суҳбат бугунги эстрадамизнинг ютуқлари ва муаммолари борасидаги баҳсга айланиб кетди. Санъаткор бугунги ўзбек эстрадаси изланиш босқичидалигини айтиб, кўп ўтмай ўз қиёфасини топиб олишига ишонч билдирди. Бунинг учун эса "Санъаткор — ўткир қалам нигоҳида" бўлиши лозим. Баҳс-мунозара яна ўзанига қайтиб, Гулбаҳор Сулаймонованинг тақдимоти бўлаётган "Тополмассан" ва "Дўст бўлайлик" деб номланган аудио дисклари ҳамда ўз ҳаёти ҳақида ўз қўли билан ёзилган "Бургут бўлиб учгум" буклет-журнали хусусида сўз юритилди. Бир неча соатга чўзилган конференция иштирокчилари хуш кайфиятда тарқалишди.***

**Гулжаҳон НОМОЗОВА**

---

# ИЛОЖИ БЎЛСА, КИТОБ ЧИҚАРИНГ!..

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

Сиз қўчқорини уриштираётган қўчқорбоздай уларнинг аёвсиз тортишишларини кузатиб роса мириқасиз. Таҳририятдагиларни роса овораи-сарсон қилганингиз, асабийлаштирганингиз, кайфиятларини бузганингиз қолади. Даъвоингиз қаноатлантирилмаган тақдирда ҳам сиз ҳеч нарса ютқизмайсиз.

Китобнинг фойдаси фақат бу эмас. Фараз қилингки, университетдами, институтдами домласиз. Икки-учта маърузангизни жамлаб нари-берисида ҳар нусхаси учун 500 сўм сарфлаб китоб қиласиз. Кейин ўзингиз маъруза ўқийдиган курсларга, талабаларга камида 2 минг сўмдан пуллайсиз. Иложи бўлса, уйингдагилар ҳам мутолаа қилса, саводини оширса, фойдадан холи эмас, ҳозир бозор иқтисоди, бу китоб қайта нашр қилинмайди, ноёб, келгусида оила қурсанг бола-чақаларинг ҳам фойдаланади, деб икки нусхасини қўшиб тутқизасиз.

Қани, олмай кўрсин-чи! Олади! Олдинда синов, имтиҳонлар, оралиқ назорат, рейтинг бали, деган гаплар бор. Бир эмас, юзингизни қаттиқроқ, қулоғингизни кар қилсангиз кўпроқ нусхасини ҳам сотасиз. Сабоқларингизга озиб-ёзиб бир кўриниш берадиган ёки нуқул имтиҳонда ҳозиру нозир талабалар бўлса, яна яхши. Улар китобингизнинг 10-15 нусхасини ҳам "лом-лим" демай, ҳатто сизга яхши кўриниш илинжида ўзлари сўраб олишади. Пулни ҳам аяшмайди.

Баъзан зинадан тушаётиб, ахлат қутиси ёнида йиртилган, ғижимлаб ташланган китобингизга кўзингиз тушади. Ҳе, сотиб олгандан кейин нима қилса, унинг иши. Орқаворотдан ҳақоратласа ҳам майли, қулоғингиз эшитмайди. Энг муҳими, олдингизда оғзига талқон солиб ўтирса, бас. Чўнтагингизга кирганини ҳисоб. Ҳар бир китобингиздан 1,5 минг сўмдан қолса, 100 нусхасидан 150 минг, минг нусхасидан 1,5 миллион қолади. 2 минг нусхасидан... Ҳойнаҳой, шайтон йўлдан уриб қулоғингиз остида "Ҳар бир нусхасини 2,5 ёки 3 мингдан сотсанг-чи", деб шивирлаб қолади. Беихтиёр шоколад татингандай ширин тамшаниб, чўнтагингизга қанча фойда кўришингизни хомчўт қилишга киришасиз.

Энг муҳими, кўришга кўзи, отишга ўқи бўлмаган бошқа ҳамкасбларингиз ҳам "Талабадан бир нарса ундирмаса баҳо қўймайди", деб сизни таъмагирлик, порахўрликда айблашолмайди. Пулини олган бўлсангиз, қуруқдан қуруқ эмас, китобингизни сотиб олдингиз. Баҳосига ҳеч ким даъво қилолмайди. Аниқ белгиланган эмас. Бозор иқтисодиёти, келишилган нархда пуллаш сизнингу харид қиладиганнинг иши. Қолаверса, сизга таъна қилмоқчи бўлган, баҳона топиб тагингизга сув югуртириш пайида юрганларнинг ўзлари ҳам китоб чиқариб, турли китоблардан кўчириб тайёрлаган маърузаларини чоп эттириб пуллаб ётишибди. Бу ҳам етмагандай айрим таниш-билишлари, раҳбарлари ва ошна-оғайнилари ҳам улар орқали китобларини талабалар ўртасида тарқатишаётиб, пул қилишаётган бўлсалар! Тиллари қисиқ. Қани, бир оғиз очиб кўришсин. Айтадиганингизни айтасиз. Расволарини тортасиз. Аксинча, шу тоифа ҳамкасбларингиз жам бўлган пайтларда "Талабалар айрим домлаларнинг китоб сотаётганларидан шикоят қилишаяпти, бўлар-бўлмас, сабоқларга мутлақо алоқасиз, ҳеч вақога ярамайдиган китобларни тиқиштириш кимга керак. Бечора талаба арзимас стипендиясига бир амаллаб кун кўрсинми, йўлкирага берсинми, бўлмағур, нокерак китобларни сотиб олсинми", қабилида гап қилиб қўясиз. Номини тилга олмай, жаҳли чиққанга солиб ҳақоратласангиз ҳам майли. Қулоқларини кар қилиб, гўё уларга қарата айтмаётганингиздай, аслида ичларидан зил кетиб ўтиришади. Бунинг устига сиздан ўлгудай ҳайиқишади. Бобокалонлар "Балонинг ташқарисида юргунча, ичида юр", деб бежиз айтишмаган. Ҳали-бери нафақага чиқмасангиз китобингизни ҳеч иккиланмай бир неча минг нусхада бостириб қўйганингиз маъқул. Ҳар йили бошқа курсларга маърузага кирганда бемалол пуллайверасиз. Кўриб турибсиз, нарх-наво ўсса ўсаяптики, пасаяётгани йўқ. Бултур талабаларга икки минг сўмдан пуллаган китобингизни бу йил уч мингдан бемалол сотасиз. Бундан ташқари талабаларга бу китоб фалон йил бурун нашр этилганлиги, ноёблиги, топилмаслигини, улар фойдалансинлар, ахтариб овора-сарсон бўлиб юрмасинлар, деб атайлаб олиб қўйганлигингизни такрорлашни канда қилмайсиз. Икки-уч машғулотни шу китоб таърифи-ю тавсифига бағишласангиз ҳам бўлаверади.

Китоб чиқаришдаги тартиб, талаб ва мезонлар ўзгарадиган, пулга эмас, унинг аҳамияти, мазмуни ва бошқаларга қай даражада наф келтиришига қараб ёндашиладиган кунлар келса, доғда қоласиз. Унда ёзганларингиз нашриётлар токчаларида чангу моғор босиб ётаверади. Имкониятни бой бериб юбормаслик, афсус-надомат чекиб юрмаслик учун пулингиз борида ҳозир китоб чиқаринг. Кейин кеч бўлиши мумкин.

**Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

---

Жиззах вилояти ҳокимлигининг матбуот маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг вилоят бўлими бошқаруви, "Қалам" клуби меҳнат жамоалари "Жиззах ҳақиқати" газетаси бўлим муҳаррири, ижодий уюшма аъзоси **Асадулла КАТТАБЕКОВ**нинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

---

# Бугун қандай кун?

***21 июнь. Бу кунда жаҳон тарихида қуйидаги муҳим ҳодисалар рўй берган:***

**1633 йил**. Галилео Галилей черков инквизиторлари томонидан қамоққа олинди.
**1732 йил.** Немис бастакори Иоганн Бах дунёга келди.
**1891 йил.** Итальян меъмори, ЮНЕСКО биноси тархи муаллифи Пьер Нерви туғилди.
**1905 йил.** Француз файласуфи ва ёзувчиси, «Нобель» мукофоти соҳиби Жан-Пол Сартр дунёга келди.
**1913 йил.** Америкалик Тини Бродвик парашютдан сакраган биринчи аёл бўлди.
**1925 йил.** Москва шаҳрида такси пайдо бўлди.
**1941 йил.** Совет Иттифоқи армияси илк бор "Катюша" қуролидан фойдаланди.
**1948 йил.** Манчестер (Англия) университетида дастлабки компьютер дастури синаб кўрилди.
**1948 йил.** ГФРда янги валюта — немис маркаси муомалага чиқарилди.
**1953 йил.** Покистоннинг биринчи аёл бош вазири Беназир Бхутто дунёга келди.
**1955 йил.** Француз футболи афсонаси, 3 карра "Олтин тўп" соҳиби Мишель Платини туғилди.
**1965 йил.** Жанубий Ветнамда мамлакат коммунистлари етакчиси Тран Ван Донг халойиқ олдида қатл этилди.
**1970 йил.** Бразилия футбол бўйича уч карра жаҳон чемпиони бўлди.
**1990 йил.** Эронда рўй берган даҳшатли зилзила оқибатида 400 минг киши ҳалок бўлди.
**1993 йил.** Тожикистонда барча мухолиф партиялар фаолияти тақиқланди.
**1994 йил.** Латвияда мамлакатдаги русийзабон аҳолини фуқаролик олиш ҳуқуқини чекловчи қонун қабул қилинди.
**2003 йил.** Бокс қироли Майк Тайсон безорилик учун ҳибсга олинди.

Ўзингни англаб ет HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г- 855
Т: 3204
1 2 3 4 5

® — тижорат белгиси.

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.